*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1920 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 247 (9993). ● 1990 йил 26 декабрь ● чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

**Бугун рўзномамизнинг ички саҳифаларида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» Ҳаракат дастури эълон қилинмоқда. Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичида бу муҳим ҳужжат лойиҳасига таклиф этилган тузатишлар, қўшимчалар ва ўзгартишлар атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг ушбу Ҳаракат дастури қабул этилган эди.**

**Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастури съезд қарорига биноан бугундан бошлаб кучга киради.**

*ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЪЕЗДИДА*



# МАМЛАКАТ ҚАРОРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАРНИ КУТМОҚДА

ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съезди 24 декабрь куни Кремлда ўз ишини давом эттирди. Депутатлар шанба куни кун тартибидаги асосий масалалар — мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш, Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси, Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги умумхалқ овоз бериши (референдум) тартибини бошқарадиган қонун тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишни асосан тугалладилар. Энди қарорлар қабул қилиш пайти келди.

Эрталабки мажлисни **А. И. Лукьянов** очди.

Съезд котибияти раҳбари **А. П. Яненко**га сўз берилади, у биринчи иш ҳафтаси якунларига доир умумлаштирилган қисқача маълумотларни депутатлар эътиборига ҳавола қилди.

Бир қанча маълумотларни келтириб ўтамиз: олти кун давомида 280 депутат сўзга чиқди, уларнинг орасида барча иттифоқдош жумҳуриятларнинг, 22 та мухтор тузилманинг, 26 та жамоат ташкилотининг вакиллари бор. Котибиятга ССЖИ халқ депутатларидан 572 та, шу жумладан 59 та жамоа мурожаати тушди. Улар, хусусан давлатимизнинг хўжалик турмуши, ташқи сиёсий фаолияти масалаларига, уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволига тааллуқлидир.

Сўнгра микрофонлар орқали фикрлашиб олинди. Депутатлар **А. Г. Журавлев, А. М. Кришкин, Э. Г. Козин, Л. И. Сухов, В. М. Десятов, В. В. Давитулиани** қисқа луқмалар билан сўзга чиқдилар.

Биринчи навбатда съезднинг олдин муҳокама қилинган Иттифоқ шартномаси лойиҳасига муносабати ҳақидаги қарорни қабул қилиш зарур, деган масала кўтарилди. Съездлар саройи фойесидаги кўргазмага қўйилган ва ССЖИ ҳудудида яшовчи халқларнинг азалий мустаҳкам алоқаларидан далолат берувчи давлатлараро шартномаларнинг нусхаларини барча иттифоқдош жумҳуриятларга юбориш керак, деган мулоҳаза билдирилди. Жумҳуриятларнинг раҳбарларидан иборат таркибда Федерация кенгашини дарҳол чақириш ва унда қарор қабул қилингунга қадар мамлакат Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонунни қабул қилишни тўхтатиб туриш таклиф этилди. Саноат ишида пароканадаликка йўл қўймаслик учун корхоналар ўртасида шартнома тузиш кампаниясини қисқа муддатда тугаллаш ғоят зарур эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Депутатлар Белгород вилоятида темир йўл ҳалокати вақтида 22 декабрь куни ҳалок бўлганлар хотирасига бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат бажо келтирдилар.

Съезд депутат **Н. Н. Прибилова**нинг илтимосига жавоб қайтарди, депутат парламент аъзоси бўлган аёллар номидан сўзга чиқиб аниқ масала юзасидан: ким ҳар қандай миллат кишиси ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла-тўкис таъминланадиган тенг ҳуқуқли суверен жумҳуриятлар федерацияси сифатида ССЖ Иттифоқини сақлаб қолиш тарафдори, деган масалани номма-ном овозга қўйишни таклиф қилди. Тўпланганларнинг кўпчилиги бу саволга ижобий жавоб қайтарди.

«Янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисида» қарор лойиҳасини тайёрлаш ишлари ҳақида ушбу ҳужжатни тайёрлаш таҳрир комиссиясининг раиси **Г. И. Ревенко** батафсил сўзлаб берди.

Ушбу минбардан туриб сўзлаган ҳар уч депутатдан бири янги Иттифоқ шартномаси концепциясига ўз муносабатини билдирди, деди у. Кун тартибидаги деярли барча масалалар юзасидан мунозарада қатнашган депутатлар ушбу масалага озми, кўпми тўхталиб ўтдилар. Барча иттифоқдош жумҳуриятлар, кўпгина мухториятлар ва депутатлар гуруҳларининг вакиллари ўз фикрларини айтдилар. Кўпгина вакиллар ўз мулоҳазаларини Котибиятга ва таҳрир комиссиясига ёзма равишда бердилар. Ҳаммаси бўлиб 500 тадан кўпроқ таклиф ва мулоҳаза қайд этилди. Фикрлар қанчалик хилма-хил бўлмасин, мамлакат бирлигини сақлаб қолиш ва ССЖ Иттифоқини суверен Совет Жумҳуриятлари Иттифоқига айлантириш ҳақидаги нуқтаи назар устивор бўлди.

Таҳрир комиссиясининг раиси халқ депутатларининг асосий мулоҳазалари иккита энг муҳим масала теварагида эканлигини таъкидлади. Улардан бири — янгиланган Иттифоқнинг номи, иккинчиси жумҳуриятлар мустақиллиги тўғрисидаги декларацияни тан олиш. Кўпгина депутатлар давлат номидаги «социалистик» сўзини сақлаб қолишни ёқлаб чиқдилар.

Бир қанча депутатлар жумҳуриятларнинг мустақиллиги тўғрисидаги декларацияни тан олишни таклиф қилмоқдалар, чунки бу декларациялар, уларнинг фикрича, «марказ билан жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи жиҳатдир». Нотиқ давлат суверенитети тўғрисидаги декларация халқларнинг иродасини акс эттиради ва ҳуқуқий жиҳатдан тан олишни талаб қилади, деб таъкидлади.

Референдум тўғрисидаги масала. Съездда сўзга чиққан депутатларнинг кўпчилиги, шунингдек ўз мулоҳазаларини ёзма равишда юборган депутатларда ССЖИ Президентининг энг муҳим масалани — мустақил жумҳуриятларнинг федерация асосидаги янгиланган Иттифоқи бўладими ёки йўқми, деган масалани умумхалқ овозига қўйиш (референдум ўтказиш) тўғрисидаги таклифини амалга ошириш зарурлигига шубҳа туғилмаган. Референдум ўтказиш муддатларини чамаси Федерация кенгаши тайёргарлик комитети ҳамда федерация субъектлари Олий Кенгашлари биргаликда аниқлайдилар.

Съездда Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ишларининг суръати ҳақида турлича фикрлар айтилди. Комиссиянинг позицияси шундан иборатки, съезд бу ишларни пайсалга солмай амалга оширишни тайёргарлик комитетига топширади.

Шундан кейин иш тартиби муҳокамаси аслида мамлакат номи хусусидаги мунозарага айланиб кетди. Депутат **А. Г. Журавлев** «таҳқирланган ватанимизга» унинг тарихий номини, Россия давлати деган номни қайтаришни таклиф қилди ва «Исо Масиҳ туғилган кун олдидан бизга муқаддас ишда оқ йўл тиланг» деб митрополит Питиримга мурожаат қилди. **А. И. Лукьянов**нинг маълум қилишича, Раёсатга мамлакат номидаги «социалистик» сўзини сақлаб қолиш хусусида съезднинг фикрини билишни истаган депутатлардан бир қанча хат тушди. **А. А. Собчак** академик А. Д. Сахаров таклиф этган вариантни киритди: Европа ва Осиё Совет Жумҳуриятлари Иттифоқи.

Номма-ном овоз бериш натижасида 1365 депутатдан иборат кўпчилик амалдаги Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи номини сақлаб қолишни ёқлади.

Депутатларнинг фикрича, бу масаланинг муҳокама қилиниши уни референдумга қўйишни истисно этмади, айни умумхалқ фикрини сўраб билиш якунлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Раислик қилувчи янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби ҳақида қарор қабул қилишга ўтишни депутатларга таклиф қилади.

Овоз бериш натижасида қарор лойиҳаси асос учун қабул қилинди.

Депутат **Д. В. Павличко** овоз бериш хусусида сўзга чиқиб, жумладан, ССЖИда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни тинч ўтаётганлигини ва бу демократия ва қайта қуришнинг ютуғи ҳамда жаҳон жараёнининг бир қисми эканлигини айтди. Бу жараённи фақат диктатура тўхтатиб қолиши мумкин, нотиқнинг фикрича, депутатлар съездда ана шундай диктатуранинг ҳуқуқий асосларини барпо этишга уринмоқдалар.

Сўзга чиққан **А. В. Минжуренко** ССЖИ халқ депутатлари социал-демократик гуруҳи номидан баёнот берди. Янги Иттифоқ шартномасининг таклиф этилган концепциясини биз қўллаб-қувватлай олмаймиз, деди депутат, чунки бу концепция Иттифоқни юқоридан туриб ўзгартиришни, олдинги алоқалар ва муносабатларни мумкин қадар кўпроқ сақлаб қолишни кўзда тутади.

Депутатларни янги Иттифоқ шартномаси умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисидаги қарор лойиҳасига овоз беришга тайёрлаш учун муайян вақт кетди.

Бунгача съезд мамлакатдаги аҳвол ҳамда юз берган танг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этиш чоралари ҳақида қарор лойиҳасини қабул қилишга ўтди. Раислик қилувчи эслатиб ўтганидек, депутатлар бу ҳужжатни илгари асосан маъқуллаган эдилар.

Таҳрир комиссияси номидан гапириш учун унинг раиси **Н. А. Назарбоев**га сўз берилади, у лойиҳага аниқлик киритиш ишларига якун ясайди (Унинг матни съезд қатнашчиларига тарқатилган). Комиссияда депутатларнинг жами 568 та таклифи кўриб чиқилди, деди у. Натижада лойиҳа барча асосий масалаларда съезд ушбу оғир вазифани топширган халқ депутатларининг амалдаги тўла тотувлигини акс эттиради. Нотиқ ҳужжатга киритилган тузатишлар ва аниқликлар мазмунини батафсил баён қилиб берди, депутатларнинг баъзи таклифларини киритишга қарши далилларни келтирди. Сўнгра комиссия раиси депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

М. С. Горбачев съезд эътиборини ўзи ўртага қўйган баъзи масалаларга жалб этди. Унинг мамлакатдаги аҳвол тўғрисида маърузасида қонун қабул қилишда ташаббускорлик тарзида, ССЖИ Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ мамлакат аҳолисининг ерга хусусий мулкчиликка ва тенг ҳуқуқли суверен совет жумҳуриятлари федерацияси сифатида янгиланган Иттифоқни сақлаб қолишга муносабатини аниқлаш учун ССЖИда референдум ўтказиш тўғрисида таклиф киритилган эди.

Шу муносабат билан Президент бу таклифларни овозга қўйишни сўради. Қарорларда бу мавзу яшириб кетилган, ушбу қоидаларни қарорлардан чиқариб ташлаб алоҳида овозга қўйишни сўрайман, деди у.

Съезд ССЖИ Президентининг таклифини қабул қилади, сўнгра эса олдинги масаланинг кўриб чиқилишини тўхтатиб ушбу мажлисда қарорнинг ҳар икки лойиҳасини номма-ном овозга қўйишга қарор қилади. Депутатлар ҳар иккала масала юзасидан референдум ўтказиш тўғрисида таклиф этилган қарорни кўпчилик овоз билан қабул қиладилар.

Сўнгра мамлакатдаги аҳвол ҳамда юз берган танг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этиш чоралари тўғрисидаги қарор лойиҳасини бандма-банд муҳокама қилиш ва овозга қўйиш бошланади.

Шундан кейин ҳужжат киритилган тузатишлар ва аниқликларни эътиборга олиб, тўлалигича қабул қилинди. Бироқ унга яна тузатишлар тушиб турганлиги сабабли раислик қилувчи бу тузатишларни умумлаштириш учун ёзма тарзда таҳрир комиссиясига топширишни ва кейинчалик мазкур қарорни узил-кесил тасдиқлашга яна бир бор қайтишни таклиф қилди.

Таҳрир комиссияси тушган таклифларни ўрганиб, қарорнинг тегишли бандларига ўзгартишларни депутатларнинг муҳокамасига ҳавола этди. Комиссия таклиф қилган тузатишлар билан бирга ҳужжат тўлалигича қабул этилди. Шу билан бирга ҳукуматга ишончсизлик билдириш тўғрисидаги таклиф кўпчилик овоз билан рад этилди.

Шундай қилиб, съезд «Мамлакатдаги аҳвол ҳамда вужудга келган инқирозли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тангликни бартараф этишга оид биринчи галдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг узил-кесил таҳририни тасдиқлади.

Одатдагидек, мажлис охирида «турли масалалар» бўлимида хилма-хил фикрлар, декларациялар, ахборотлар берилди.

25 декабрь куни съезд ўз ишини давом эттирди.

(ТАСС).

## *Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи халқ депутатлари съездининг қарори*

### ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ СУВЕРЕН ЖУМҲУРИЯТЛАРНИНГ ЯНГИЛАНГАН ФЕДЕРАЦИЯСИ СИФАТИДА ССЖ ИТТИФОҚИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ халқ депутатлари съезди номма-ном овоз бериш йўли билан **қарор қилади:**

Тенг ҳуқуқли суверен жумҳуриятларнинг ҳар қандай миллат кишисининг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла-тўкис таъминланадиган янгиланган федерацияси сифатида ССЖ Иттифоқини сақлаб қолиш зарур деб ҳисоблансин.

**ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси**

**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль. 1990 йил 24 декабрь.

## *Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи халқ депутатлари съездининг қарори*

### СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ НОМИ ҲАҚИДА

ССЖИ халқ депутатлари съезди номма-ном овоз бериш йўли билан **қарор қилади:**

Совет давлатининг Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи номини сақлаб қолиш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватлансин.

**ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси**

**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль. 1990 йил 24 декабрь.

## *Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи халқ депутатлари съездининг қарори*

### ЕРГА ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ССЖИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

ССЖИ халқ депутатлари съезди **қарор қилади:**

1. Ҳар бир жумҳуриятда овоз бериш натижаларини алоҳида-алоҳида ҳисобга олиб, ерга хусусий мулкчилик тўғрисида ССЖИ референдуми ўтказилсин.
2. Умумхалқ овоз бериши вақтини ва ССЖИ референдумини ўтказишни таъминлаш чораларини белгилаш ССЖИ Олий Кенгашига топширилсин.

**ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси**

**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль. 1990 йил 24 декабрь.

## *Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи халқ депутатлари съездининг қарори*

### СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА ЮЗАСИДАН ССЖИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Меҳнаткашларнинг ССЖ Иттифоқи тақдири тўғрисида ташвиш билдирилган жуда кўп мурожаатлари муносабати билан ҳамда ягона Иттифоқ давлатини сақлаб қолиш давлат турмушининг энг муҳим масаласи бўлиб, у Совет Иттифоқидаги ҳар бир кишининг, бутун аҳолининг манфаатларига дахлдор эканлигини ҳисобга олиб, ССЖИ халқ депутатлари съезди **қарор қилади:**

1. Тенг ҳуқуқли суверен Совет Социалистик Жумҳуриятларининг федерацияси сифатида янгиланган Иттифоқни сақлаб қолиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ССЖИ референдуми ўтказилсин, овоз бериш натижалари ҳар бир жумҳуриятда алоҳида ҳисобга олинсин.
2. Референдум ўтказиш вақтини ва уни таъминлаш чораларини белгилаш ССЖИ Олий Кенгашига топширилсин.

**ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси**

**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль. 1990 йил 24 декабрь.







● **МОСКВА.** Кремлнинг Съездлар саройи. ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съездида.

**Ўзбекистон Телеграф агентлигининг телесуратлари.**

## ДОРУЛМУАЛЛИМ ЮБИЛЕЙИ

Фарғона ўлкашунослик музейида вилоят дорулмуаллимининг 60 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Турли суратлар, ҳужжатлар, муаллимларнинг рисолалари Фарғона водийсидаги шу биринчи олий ўқув юртининг вужудга келиши ва ривожланишини тасвирлайди.

Илмгоҳ муаллимлар тайёрлаш техникуми негизида ташкил этилган ва аввалбошда агропедагогика институти деб аталган. Унинг бешта бўлимида 166 талаба илм олган. Ўшанда атиги 22 нафар профессор ва муаллим бор эди. РСФСЖ Маориф Халқ Комиссарлиги томонидан Фарғонага ишга юборилган олимлар С. П. Денейка, С. В. Аверинцев, Н. И. Леонов, Е. Е. Сиротинлар илмгоҳга асос солган эдилар. Кўргазманинг махсус бўлими уларнинг жумҳурият учун миллий муаллимлар тайёрлашга қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилади.

Илмгоҳни битириб чиқиб, фанга катта ҳисса қўшган академик А. М. Муҳаммадиевга, ўзбек адабиёти тарихига оид кўпгина асарлар муаллифи профессор А. И. Иброҳимовга ва бошқаларга кўргазманинг каттагина қисми бағишланган. Ҳозиргача қирқ уч мингдан кўпроқ ўқитувчи тайёрлаб берган илм масканининг айни вақтдаги қиёфаси ҳам батафсил тасвирланган. Ҳозир унинг тўққизта факультетида етти мингдан кўпроқ талаба таълим олмоқда.

Талабаларнинг олий ўқув юрти кекса муаллимлари ва уни аввалги йилларда битириб чиққан кишилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ мухбири).

# ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ҚУРИЛГАН УЙ БЕГОНА БЎЛМАЙДИ

**МОСКВА, 24 декабрь. ЎзТАГ махсус мухбири А. БАРАНОВ хабар қилади:**

Кремлда ССЖИ халқ депутатлари съезди ишининг иккинчи ҳафтаси бошланди. Бу ҳафта ҳам бундан буён қандай яшаймиз, деган ташвишли ўй-хаёллар билан бошланди. Мамлакат тақдирини ҳал этувчи қарорлар учун овоз берилаётганда ҳис-туйғулар устун келадими ёки ҳар қалай, ақл-идрок ғолиб чиқадими?

Бугун эрталаб бўлган мажлисда кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинди: давлатимиз бундан буён ҳам «ССЖИ» деб номланаверади. Энди ушбу принципиал қарорни ҳар бир халқнинг, ҳар бир инсоннинг — буюк ягона мамлакат фуқаросининг оғишмай ривожланишини ҳамда гуллаб-яшнашини таъминлайдиган чуқур ва теран мазмун билан бойитиш керак.

Мана шу хусусда ҳозирча якдиллик сезилмаяпти. Ўтказилган тез сўраб билишнинг съезд социологик хизмати бу ерда тарқатган натижаларга кўра, фикри сўралганларнинг 52,7 фоизи Жумҳуриятлар Иттифоқи истиқболда шубҳасиз сақлаб қолинишини қўллаб-қувватламоқда, 26,6 фоизи эса шундай Иттифоқнинг зарурлигини инкор этиб, ҳатто унинг бўлиниб кетишини тахмин қилмоқда. Фикри сўралганларнинг қолганлари ҳали бир тўхтамга келмаган ёки хилма-хил нуқтаи назарларни билдирмоқда.

Ўзбекистонлик депутатларнинг позициясига келганда эса, уларнинг бирортасидан ҳам халқларимизнинг янги Иттифоқ шартномасига асосланган бирлигини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлиги хусусида шубҳа-гумон эшитишимга тўғри келмади.

— Бизнинг юртимизда деҳқонлар ўртасида янги уйни ҳашар билан қуриш қадимдан одат, — деди Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» давлат хўжалигининг бригада бошлиғи Салмонжон Ҳақназаров. — Бундай ҳашарда иштирок этганлар учун қўшнисининг уйи ҳеч қачон бегона бўлмайди. Бизнинг давлат хўжалигимиз байналмилал хўжалик. Бу ерда ўзбеклар, руслар, греклар, бошқа миллатларнинг вакиллари ёнма-ён яшаб келишмоқда. Биз кимнинг қайси миллатга мансублигини ҳеч суриштирмаганмиз — яхши инсон бўлса бўлгани деганмиз. Ҳозир ҳам ҳеч ким одамларни миллатига қараб фарқламайди, ҳаммамиз бирга яшаб, бирга ишлаяпмиз. Ўтган йили беш юз гектар ерни томорқа учун ҳаммага баравар тақсимладик, ҳеч кимни хафа қилмадик.

Шунинг учун одамларнинг кайфияти ҳам, улар меҳнатининг натижалари ҳам яхши. Албатта, қўрғонга қамалиб яшаётганимиз йўқ, теварак-атрофда нималар бўлаётганини кўриб турибмиз. Ўша ўзимизнинг Фарғона водийсида юз берган воқеаларни эслашнинг ўзи кифоя... Лекин бу воқеалар бизнинг хўжаликдаги миллатлараро муносабатларга таъсир ўтказа олмади — илгари бир-биримизга қанчалик ишониб яшаган бўлсак, ҳозир ҳам шундай яшаяпмиз. Бундан буён ҳам ҳамиша шундай яшаймиз, бизнинг хўжаликда ҳам, бутун мамлакатда ҳам шундай яшаймиз деб умид қиламан. Мен оддий бир деҳқонман, холос, балки бирор нарсани англаб етмаётгандирман, лекин шуни аниқ биламанки, биз бир-биримизга жуда кераклиз.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарлар бригадасининг бошлиғи, ҳозир мамлакат Олий Кенгашининг аъзоси А. А. Коршунов бу нуқтаи назарга тўла қўшилди:

— Бизнинг корхонамиздаги ишлаб чиқариш бутун мамлакатнинг турли бурчакларидаги икки ярим мингдан зиёд корхонанинг етказиб берадиган маҳсулоти билан боғлиқ. Агар шулардан бирортаси арзимаган резина прокладка етказиб беришни кечиктирса, ўн минглаб одамнинг меҳнати билан бунёд этилган қанотли улкан машина осмонга кўтарила олмайди, бефойда металл уюми бўлиб ерда ётаверади.

Мен мустақиллик тарафдориман — бу ажойиб нарса, принцип жиҳатдан янги асосда тузиладиган Иттифоқ шартномаси имзоланишини тўла қўллаб-қувватлайман. Лекин то бу ҳужжат имзолангунича эски хўжалик алоқалари сақлаб турилиши ва ҳимоя қилиниши лозим. Акс ҳолда биз ақл бовар қилмайдиган даражадаги тартибсизликка, ўта чигалликларга дуч келамизки, бунинг оқибатлари қандай бўлишини мутлақо билиб бўлмайди. Яна шунга мутлақо аминманки, ҳозирги амалдаги қонун, у хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, бошқа қонун қабул қилмагунимизча ҳамма жойда сўзсиз бажарилиши керак. Ҳозирги Конституциямизга турли муносабатда бўлиш мумкин, лекин ҳозирча шундан бошқаси йўқ. Ўз Конституциясини ҳурмат қилмасдан эса бирорта ҳам давлат мавжуд бўлолмайди. Айниқса, агар у ўзини ҳуқуқий давлат сифатида кўрмоқчи бўлса, ўз Конституциясини ҳурмат қилиши зарур.

